КПСС XXIII ВА ЎЗКОМПАРТИЯ XVII СЪЕЗДЛАРИ ОЛДИДАН

ЯШНАЙВЕР, ҚУЁШ ЎЛКАСИ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 46 (13.308).
24 ФЕВРАЛЬ 1966 йил
ПАЙШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Республикамиз меҳнаткашлари КПСС XXIII съезди директивалари лойиҳасини кенг ва атрофлича муҳокама қилмоқдалар. Ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этмоқдалар.

Газетанинг бугунги сонида берилган материалларда Ўзбекистоннинг беш йиллик режалари ҳақида ҳикоя қилинади.

УЛКАН ОДИМ

Ленинчи партия ўз халқига Ватанимиз истиқболининг янги режаларини, коммунизм манзилини яқинлаштирувчи ҳаётбахш йўналиш программасини тақдим этди, кураш ва меҳнатнинг бундан буёнги мазмунини, амалий, реал иш миқёсларини белгилаб берди. Беш йиллик план юзасидан КПСС XXIII съездининг директивалари ҳақида партия Марказий Комитети февраль Пленуми маъқуллаган лойиҳани бутун совет халқи билан биргаликда республикамиз меҳнаткашлари ҳам зўр мамнуният, чуқур ифтихор туйғулари, беҳад хурсандчилик билан кутиб олдилар.

Совет халқи ўз тақдирини, ўз ҳаёти ва келажагини Коммунистик партияга бағишлагандир. Чунки, бизнинг партиямиз халқ манфаатларига фидокорона хизмат қилишни ўз фаолиятининг олий қонуни деб билади. Партия халқ кучига, халқнинг яратувчилик ишига, ақл-заковатига таянади. Партиянинг кучлилиги унинг омма билан моҳолит жипслигида, у билан ҳамиша ҳамдам ва бирга одим ташлашида, бирга нафас олиб, бирга яшашидадир. Халқ ўз жонажон партиясининг революцион шижоатини, меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб қанчалик куч-ғайрат сарф этаётганлигини, ниҳоятда қийин ва мураккаб масалаларни ленинча донолик, ленинча матонат ва қатъият билан ҳал этаётганлигини юксак қадрлайди.

Янги беш йиллик планни тузиш сингари жиддий ва масъулиятли вазифани ҳал этишда жуда катта ижодий иш олиб борилганлиги, марказлаштирилган ва иқтисодий жиҳатдан асослантирилган режаларни маҳаллий ташаббус билан узвий равишда қўшишда ниҳоятда донолик кўрсатилганлиги, илмий-иқтисодий кўрсаткичлар моҳирлик билан таҳлил қилинганлиги — бу партиямиз коллектив ақлининг натижасидир.

Ҳозир янги беш йиллик план лойиҳасини муҳокама қилишга бағишлаб ўтказилаётган меҳнаткашларнинг, партиялилар оммасининг йиғилишларида худди шу фикр-туйғулар баён этилмоқда. Йиғилишларда сўзга чиқаётган турли касб эгалари директивалар лойиҳасини яқдиллик билан маъқуллаб, айрим хўжалик ва маданий қурилишга оид масалалар, ҳал этилмаган вазифалар ҳақида қимматли мулоҳазаларни баён этмоқдалар.

Социалистик давлатдаги кўп миллатли халқлар оиласида катта яратувчилик ишлари билан шуғулланаётган, ўз Ватанининг бойлигига бойлик, нучига-куч қўшаётган республикамиз меҳнаткашлари ҳам ўз ҳаётларида шу беш йилликда тубли ўзгаришлар юз беришидан чуқур қаноат ҳосил этмоқдалар. Директивалар лойиҳасида ҳамма иттифоқчи республикалар сингари Ўзбекистонимизнинг ҳам истиқбол режалари ёрқин белгилаб берилди. Директивалар лойиҳасида таъкидлаб кўрсатилганидек, Ўзбекистон СССРнинг асосий пахта базаси бўлиб келди, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Мамлакатимиз умумий меҳнат тақсимотида Ўзбекистон хиссасига пахта етиштиришдек муқаддас вазифа тушган экан, ўз касб корини, тарихан ўз зиммасига юклатилган бурчни садоқат ва саҳийлик билан бажо келтираётган республикамиз меҳнаткашлари партия ташкилотларининг етакчилигида бу вазифани муваффақиятли ҳал қила берадилар.

Республикамиз саноати ўсиш суръатлари жиҳатидан янада кенг ривож топади. Шу беш йилликда унинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тахминан 1,6 баравар ошар экан, бу жуда катта юксалишдир. Ўзбек халқининг мамлакатимиздаги ҳамма халқлар билан қон-қардошлик алоқасининг символи фақат олтин пахтамизгина эмас, эндиликда Советлар диёрининг қанчадан-қанча ўлкаларини, шаҳар ва қишлоқларини қалб ҳарорати билан иситаётган Бухоро зангори олови ҳам чексиз қудратимиз, дўстлигимиз ифодаси бўлиб қолди. Беш йилликда газ чиқаришнинг 2,3 баравар ўсиши катта воқеадир. Бундан кейин зангори оловнинг нури янги ирмоқлардан йўл олади. Унинг оқими қозоқ ва қирғиз ерларига ҳам бориб етади.

Электроэнергияга бўлган эҳтиёжни тўла қондириш, шаҳарларда бўлгани сингари қишлоқ жойларини ҳам бу энг ноёб ҳаёт нури билан таъминлаш янги беш йиллик планимизнинг муҳим вазифаларидандир. Планда белгиланганидек, республикамизда электр энергия ҳосил этиш 2,2 баравар кўпаяди. Шунингдек саноатнинг бошқа энг муҳим тармоқларида ҳам мўлжалланган топшириқларнинг ҳажми жуда улкандир. Чунончи, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 2 баравар, рафинацилланган мис — 2,8, шойи газлама 2,8—3, ўсимлик ёғи 1,3, мева, сабзавот консервалари ишлаб чиқариш 1,6 баравар кўпайтирилади.

Белгиланган тадбирларда янги саноат корхоналарини вужудга келтириш, айрим комбинат, завод, фабрикалар қувватини ошириш мўлжалланади. Масалан, директивалар лойиҳасида бундай дейилади:

Фарғонадаги азотли ўғитлар ва сунъий тола заводлари қуриб битказилсин, Олтинтопган қўрғошин-рух ва мис комбинати кенгайтирилиб, бу ерда концентрлаштирилган минерал ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилсин. Ингичка вольфрам кони кенгайтирилсин. Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатида ва Навоийдаги химия комбинатида янги қувватлар ишга туширилсин. Олтин чиқариш саноати бар по этилсин. Тошкент ва Навоий ГРЭСлари ҳамда Чорвоқ гидроэлектростанцияси қуриб битказилсин. Бекобод ГЭСида биринчи агрегат ишга туширилсин. Уралга газ етказиб бериш кўпайтирилсин. Бухородаги газ чиқадиган район— Тошкент — Фрунзе — Олмаота газ қувури қурилсин.

Халқ фаровонлигини ошириш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳам катта. Республикамизда рўзғор холодильниклари заводи қурилади. Намангандаги штапель толадан шойи газламалар ишлаб чиқарувчи комбинат қурилиши тугалланади. Ип газлама комбинати, ип йигирув, пойафзал ва трикотаж фабрикалари, иккита ёғ-экстрация ва иккита консерва заводи, узум винолари комбинати қурилади. Суғориладиган экин майдонларини янги ерлар ҳисобига кўпайтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар янада жадаллаштирилади, Мирзачўл, Қарши дашти, Сурхон-Шеробод водийсини суғориш ҳамда ўзлаштириш ишлари давом эттирилади. Амударё этакларида йирик шолиполик базаси вужудга келтирилади. Қарийб 3,5 миллион гектар яйлов сув билан таъминланади. Мана бу тадбирлар республикамиз экономикасида жуда катта янги ўзгаришлар юз беришини кўрсатувчи далиллардир.

Янги беш йиллик план ҳақидаги директивалар лойиҳасини кенг пропаганда қилиш, унинг моҳиятини ҳар бир меҳнаткаш онгига чуқур сингдириш, лойиҳа юзасидан омманинг таклиф-мулоҳазаларини атрофлича ўрганиш — партия ташкилотларининг шу кундаги асосий вазифасидир.

Яратувчилик ишларида янги-янги муваффақиятларга эришаётган республикамиз меҳнаткашлари социалистик экономиканы янада юксалтиришга кўтаришга қаратилган янги беш йиллик план режалари билан руҳланган ҳолда КПСС XXIII ва Ўзбекистон Компартияси XVII съездларига бормоқдалар.

ВАТАНИМИЗ ҚУДРАТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

Фарғона областидаги корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозларда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди директивларининг лойиҳаси ўқиб берилмоқда. Қишлоқ ва шаҳарлардаги барча меҳнаткашлар бу ҳужжатни қизғин маъқуллаб, ...

— Янги беш йилликнинг режалари, — дейди КПСС XXIII съездининг делегати, Поп районидаги Ленин номли колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Одилов, — ватанимизнинг коммунизм сари янада илгарилаб боришининг жанговар программасидир. Директивалар лойиҳасида жонажон партиянинг халқ фаровонлиги, Совет давлатининг қудратини мустаҳкамлаш тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрлиги янада тўла-тўкис намоён бўлган. Қишлоқ хўжалигига капитал маблағ сарфлаш ҳажмининг беш йилликда тахминан икки баравар ортиши биз, қишлоқ меҳнаткашларини жуда қувонтиради. Бу, деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришни таъминлайди.

Ўзбекистон бундан буён ҳам мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб қолади, деб таъкидланган директивалар лойиҳасида. Колхозимиз аъзолари беш йилликнинг биринчи йилидаёқ пахта етиштиришни анча кўпайтирадилар. Ҳозир улар съезд олди меҳнат вахтасида туриб, бу йил гектар бошига 40 центнердан «оқ олтин» ҳосили олиш учун актив курашмоқдалар. (ЎзТАГ).

ДИРЕКТИВАЛАРНИНГ БИР САТРИ...

Намангандаги штапель толадан шойи газлама тайёрлаш комбинати КПСС XXIII съезди...

— Директивларнинг бу сатри коллективимиз зиммасига катта масъулият юклайди, — деди 18-қурилиш бошқармасининг бошлиги В. Г. Семкин, — **комбинат тўла қувват билан ишга туширилгандан кейин йилига 65 миллион метр турли хил газламалар чиқара бошлайди.** Бу йил бизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз—80 минг ...

Наманган комбинатини барпо қилаётган коллектив янги кучлар билан тўлди. Бу ...

Беш йилликнинг дастлабки йилида пахта етиштириш учун техника етказиб бериш 13 процент кўпайтирилади. СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиги Л. О. Назарьянц ЎзТАГ мухбири Е. Ефимовнинг илтимосига кўра, ана шу юксалиш йўллари ҳақида гапириб берди.

— Мўлжалланган юксалиш даражаси чакана эмас, лекин партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалик машинасозлигини ривожлантиришга қандай катта эътибор бераётганликларини ҳисобга олганда, бунга бемалол эришиш мумкин. Партия ва ҳукуматнинг мана шу ғамхўрлиги СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди директивалари лойиҳасида айниқса яққол намоён бўлди.

Қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган техникани кўпайтириш ҳақида директивалар лойиҳасида кўйилган талаб кўп минг қишлоқ коллективимизнинг иш программаси бўлиб қолади. Ана шу ҳужжатга мувофиқ, конструкторларимиз ва ишлаб чиқариш ходимларимизнинг ижодий куч-ғайратлари тезюрар тракторларни, анча прогрессив турдаги универсал, кенг қамровли ва кўп қаторли машиналарни ҳамда бир йўла бир неча иш бажарувчи мураккаб машиналарни жорий этишга қаратилмоқда. Шу вазифаларни пахтачиликкa мослаштирган ҳолда амалга ошириш вазифаси «Главхлопкомаш» зиммасига юклатилган.

Бош бошқарманинг ўзи ҳақида бир неча оғиз сўз айтайин. Бош бошқарма КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг мамлакат миқёсида айрим саноат тармоқларига раҳбарликни ихтисослаштириш ҳақидаги қарорларига мувофиқ тузилди. «Главхлопкомаш» қўл остида Ўзбекистон, Тожикистон, Озарбайжондаги ўнта завод, шунингдек пахтачилик машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси ва машинасозлик бўйича давлат конструкторлик-технология бюроси бор. Бинобарин, пахтачилик техникасини яратиш ва яхшилашда қатнашувчи бир қанча корхоналар ва муассасаларнинг жуда яқиндан ўзаро келишиб иш олиб бориши таъмин этилган. Ҳақли суратда пахтачилик аслаҳахонаси деб ном қўйилган бу комплексга раҳбарлик қилиш эса, машиналар ишлаб чиқариладиган ва ишлатиладиган жойга яқинлаштирилган. Мана шу сабабдан Бутуниттифоқ бош бошқармаси Тошкентга жойлаштирилган.

— «Главхлопкомаш»нинг дастлабки қилган ишлари нималардан иборат бўлди?

— Янги бошқарма ўтган йилнинг сўнгги ойларида планни муваффақиятли адо этиш тараддусида бўлди. Заводлар КПСС XXIII съезднинг муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, қарийб олти миллион сўмлик қўшимча маҳсулот берди. Ишнинг бошидаги бу суръат беш йилликнинг дастлабки йилини яхши бошлаб юборишга ёрдам берди. Корхоналар январь ойи планини умуман тўла бажарди. Лекин барқарор кўрсаткичларга эришиш, ишлаб чиқаришни доимо юксалтириб бориш учун завод...

— Демак, гап элементар тартиб ўрнатишдами?

— Бу, турган гап. Интизомни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишда коллективнинг масъулиятини ошириш керак. Аммо иш фақат шу билан битмайди. Бир меъёрда ишлаш учун объектив шарт-шароитлар яратиш ҳам керак. Саноатни бошқаришни яхшилаш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми белгилаб берган тадбирлар шу масалада бизга кўмакдош бўлмоқда.

Бешта завод — «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш», «Чирчиксельмаш», «Ташавтомаш», трактор йиғув заводи тармоғимизда биринчи бўлиб ишлаб чиқаришни планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги тартибига ўтишга ...

— Пахтакорлар қандай янги машиналар олишади?

— Биринчи галда, кенг қатор оралари учун мўлжалланган машиналар комплекси ...

— Биз янги қувватларни ишга солиш масаласига ўтиб кетдик...

— Биз бинокорлар билан ...

ЯНГИ МАШИНАЛАР ЯРАТАВЕРАМИЗ

тузатишлар киритилади. Масалан, Новдаги завод мингдан ортиқ прогрессив технология процессларини жорий қилади.

— Бу — конструкторлик-технология бюросининг вазифасидир

— Унинг вазифаларидан бири. Давлат конструкторлик-технология бюроси фақат технологияни мукаммаллаштириб қолмай, шу билан бирга, ўз технологларининг кўпгина режаларини рўёбга чиқаришга, заводларни махсус ускуналар, оригинал асбоблар билан, бир қанча ҳолларда эса, ҳатто, поток линиялари билан таъминлашга даъват этилган. Давлат конструкторлик-технология бюроси бу борада бош бошқармалар билан заводларнинг механика бўлимлари билан ҳамкорлик қилади. Технологлар металлни ва бошқа воситаларни тежаб-тергаш учун курашишда ҳам ёрдамлашадилар. Тошкент конструкторлик-технология бюроси олмосдан ва қаттиқ қотишмалардан асбоблар, пластмасса деталлар яратишда катта тажриба ортирган бўлиб, мана шу проблемалар бўйича министрлик миқёсида асосий бюро бўлиб қолмоқда.

— Пахтакорлар қандай янги машиналар олишади?

— Биринчи галда, кенг қатор оралари учун мўлжалланган машиналар комплекси қачонгача ...

Оржоникидзе районининг хўжаликларида майин жўнли совлиқлар бултургига нисбатан 20 кун илгари қўзилай бошлади. «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг Ҳаким Умаралиев бригадасида ҳозирнинг ўзидаёқ юзларча қўзи олинди. Суратда: Ҳаким Умаралиев (чапда) ва ферма мудири Пирмат Норматов ўртоқлар яйловда.

К. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТАСС АХБОРОТИ

«КОСМОС-110» ПАРВОЗДА

Биологик тадқиқотлар ўтказиш учун 1966 йил 22 февралда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-110» учирилди. Йўлдош ичида Ветерок ва Уголек номли иккита ит бор.

Координациялаш—ҳисоблаш марказ олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

КПСС XXIII СЪЕЗДИНИНГ ДЕЛЕГАТЛАРИ

КАТТА ИШОНЧ

Қишлоққа оқшом қўнган. Кўчалар, хиёбонлар гавжум. Шу пайт колхоз радио узели орқали «Гулистон» колхози правлениеси ва партия ташкилотининг коммунистларга, комсомол-ёшларга, барча колхозчиларга мурожаати ўқиб эшиттирилди. Эртасига бутун қишлоқ далага кўчиб чиқди. Хўжалик деҳқонлари ташаббускор коммунистлар раҳбарлигида ёзнинг жазирама кунларида сув учун, мўл ҳосил учун зарбдор юриш бошладилар. Мавжуд техника, ишчи кучлари асосий участкаларга юборилди. Ариқларни лойқадан тозалаш, зовурлар қазиш, насослар ўрнатишда юзлаб коммунистлар, минглаб колхозчи деҳқонлар фаол иштирок этдилар. Бу ишларнинг ҳаммасига моҳир ташкилотчи, оташин коммунист Самандар Ҳомидов бош-қош бўлди. У кечаларни ширин уйқуни тарк этиб, меҳнаткаш деҳқонлар орасида юрди. Уларнинг талаб ва истакларига, қайғу-ҳасратларига, орзу-умидларига шерик бўлиб яшади.

Ҳалол меҳнат ўз самарасини берди. Моҳир пахта устаси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Самандар Ҳомидов раислик қилаётган «Гулистон» колхозининг деҳқонлари 1200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 23 центнер ўрнига 30 центнердан хирмон кўтардилар. Сафар Мираев, Юсуф Толибов, Бахшулла Шарипов, Едгор Бозоров ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 32-35 центнерни ташкил этди.

Шу кунларда коммунист Самандар Ҳомидов раислик қилаётган колхоз деҳқонлари КПСС нинг XXIII съезди шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, ...

Советининг депутати Самандар Ҳомидов раислик қилаётган «Гулистон» колхозининг деҳқонлари 1200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 23 центнер ўрнига 30 центнердан хирмон кўтардилар. Сафар Мираев, Юсуф Толибов, Бахшулла Шарипов, Едгор Бозоров ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 32-35 центнерни ташкил этди.

Шу кунларда коммунист Самандар Ҳомидов раислик қилаётган колхоз деҳқонлари КПСС нинг XXIII съезди шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, ...

сеялка, 19 борона ва бошқа механизмлар сифатли ремонтдан чиқарилган. Колхоздаги агротехника билимлари мактабида ўттиздан ортиқ механизатор кадрлар малака оширмоқдалар.

Ташаббускор раис ана шу ишларга бошқош бўлиб турибди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган пахтакор, Ғиждувон районидаги илғор «Гулистон» колхозининг раиси Самандар Ҳомидовни яқинда Бухоро область партия конференциясининг делегатлари КПССнинг XXIII съездига делегат қилиб сайладилар.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратда: С. Ҳомидов.
А. Лазарев фотоси.

БЕШ ЙИЛЛИК ТАРОНАСИ

Ҳа, чиндан ҳам тарона. Республикамиздаги барча меҳнаткашларнинг дилидаги асл гап бу. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезднинг директивалари лойиҳасида республикамизнинг ҳам истиқбол рақамлари баён этилган. Бу ўсиш, улғайиш ва камолат сари кўтарилишнинг янги поғоналаридир. Мана улардан айримлари:

Пахтачилигимиз янада тез суръатлар билан ўсади. Мирзачўлда, Сурхон-Шеробод водийсида ва Қарши чўлида янги йирик пахтачилик районлари барпо қилинади. Суғориладиган ерлар кенгайтирилади. Янги пахтакор хўжаликлар пахтачиликнинг порлоқ истиқболларини очиб беради.

Ирригациямиз ирмоқлари республикамиз бўйлаб кумуш камардек жилваланиб, экин майдонларига ҳаёт сув ...

Ирригациямизнинг қон томирини ...

Энергетика — республикамиз халқ хўжалигини девкор одимлар билан юксалтиришнинг асосий омилидир. Шунга кўра, бу соҳага алоҳида эътибор берилади. Электр энергияси ҳосил қилиш 2,3 баравар ортади. 1 миллион 800 минг киловатт қувватли Тошкент ГРЭСи тўла фойдаланишга топширилади. Навоий, Тахиатош ГРЭСларида ҳамма қувватлар ишга солинади. Чорвоқ ГЭСи нур таратади.

Ўзбекистонда индустриянинг янги тармоғи — олтин чиқариш саноати барпо этилади. Республика олтин запаси бўйича мамлакатда олдинги ўринлардан бирига кўтарилади. Қизилқумдаги олтин кони Ўзбекистон мамлакатдаги асосий олтин базаси бўлади, дейишимизга тўла асос бера олади.

Химия бундан буён ҳам ривожланаверади. Беш йиллик мобайнида Самарқандда органик синтез заводи, Оҳангарон шина ва резина буюмлари комбинати, Олмалиқ химия комбинати, Жиззахда полимер материалларидан қувурлар ишлаб чиқарувчи завод, Олмалиқда химия товарлари заводи ишга тушириладилар. Бухоро пластмасса буюмлари заводи, Ғузор химия комбинати қурилишлари бошлаб юборилади.

Ўзбекистон



Янги беш йиллик план бўйича КПСС XXIII съезди директивларининг лойиҳаси «Узбексельмаш» заводининг старший мастери Шараф Қосимович ҳам тўлқинлантирмоқда. У ижодкор мутахассис. Ўтган етти йил мобайнида 29 та рационализаторлик таклифи бериб, корхонанинг қарийб 50 минг сўм маблағини тежаб қолишга муносиб ҳисса қўшди. Суратда: старший мастер, актив рационализатор Ш. Қосимов.

Р. Шамсиддинов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУРИЛИШЛАРИ ВА ТЕХНИКА СОТИБ ОЛИШ УЧУН 1966—1970 ЙИЛЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА 41 МИЛЛИАРД СЎМ МИҚДОРИДА КАПИТАЛ МАБЛАҒ САРФЛАШ ҚЎЗДА ТУТИЛСИН.

(КПСС Марказий Комитетининг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съездининг директивалари» лойиҳасидан).

ХОРАЗМ ШИНАСИ

Урганч шаҳрининг чекасида шиналарни ремонт қилиб қайта тикловчи янги завод қад кўтарди. Айни шу кунларда корхонанинг цех ва корпусларига ўрнатилган қудратли механизмларни созлаш ва синаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Прораб Марат Қидиралиев бошлиқ созловчилар бригадаси, техниклар Татяна Лисак, Вячеслав Ляхов ва электриклар аҳил, ҳамжиҳат ишлаб созлаш ишларини бажариб қўйишди. Вентиляция системалари, ишитиш қозонхонаси, асосий механизмлар, бош корпусга ўрнатилган электр ускуналари бир меъёрда ишлашга тахт қилиб қўйилди.

Хоразмлик шиначилар ишни дадил бошлаб юборишди. Созловчи мастер Рафқат Булатов вулканизация аппарати механизмларини созлаш ва синаб кўришни охирига етказяпти. Унинг ёнида слесарлар Саъдулла Жуманиёзов ва Николай Пак турли хил механизмларнинг ишлаш жараёнини кўздан кечирмоқда.

Ҳали янги корхонанинг «туғилгани» ҳақидаги давлат актига имзо чекилмаган бўлса ҳам у дастлабки тажриба маҳсулотларини ишлаб чиқаришга киришди. Заводда қайта тикланган яп-янги автопокришкаларни кўриб кўзингиз қувонади. Эскириб ишдан чиққан шиналар бу ерда тажрибали мастер Семен Жвиков қўлига тегади. У махсус мослама—спередерда шинани диққат билан кўздан кечиргач, ремонт учун яроқли эканлигини аниқлайди. Сўнгра шина ремонтининг бутун комплекси бошланади.

Олдин покришка яхшилаб ювилади. Ундан кейин буг остида қуритилади. 4 соатдан сўнг махсус станокда шинанинг эскирган протекторлари кириб ташланади. Шундай қилиб операция кетидан операциялар давом қилади. Ниҳоят шина асли ҳолига келтирилади. Янги завод тўла механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган. Бу ерда буг ва электр етакчи роль ўйнайди. Электр энергия ёрдамида қудратли электромоторлар, станок ва агрегатлар, беҳисоб механизмлар ҳаракатга келтирилади. Хоразмдаги химиянинг тўнғич бу корхонаси йилига 50 мингта покришкани қайта тиклаш қувватига эга. У машъал областдан ташқари, Қорақалпоғистон АССР ҳамда қўшни республика Тошовуз области транспортчилари учун ҳам қайта тикланган шиналар етказиб беради.

Заводнинг цех ва корпусларига «Бухоро хуршиди» оқиб келди. Компрессорлар ҳам бир меъёрда ишлаяпти.

Химия саноатининг шина ишлаб чиқариш тармоғи республикамизда янгидан юзага келмоқда. Бу соҳа бўйича бармоқ билан санарли корхоналаргина мавжуд. Янги беш йиллик план бўйича КПСС XXIII съездига тақдим қилинаётган директивалар лойиҳасида химия саноатини ва унинг шинасозлик тармоғини тез суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилган. Урганч шина ремонт заводи яқин кунлар ичида республикамиздаги шинасозлик корхоналар қаторидан ўрин олади. Хоразм шиначилари беш йилликнинг дастлабки йили биринчи кварталида корхонадаги дастлабки ишлаб чиқариш цехларининг лойиҳадаги қувват билан ишлашини таъминлаш тадбирларини кўрмоқдалар.

Ф. ЗОҲИДОВ
«Совет Ўзбекистони» мухбири.
С. РАҲИМОВ.

ҚОСИЛДОРЛИК ИНДУСТРИЯСИ УФҚЛАРИ

КПСС XXIII съезди директивалари лойиҳасида беш йилликда Ўзбекистонда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Ана шу рақам ортида йиллар ширириб ётибди? ЎзТАГ мухбири А. Ершовнинг бу саволига Ўзбекистон ССР Госплани химия бўлими бошлиғининг ўринбосари А. Дульман шундай жавоб берди:

— Ўзбекистонда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш икки баравар кўпайтирилади. Яъни Ўзбекистон 1965 йилда икки миллион тоннадан ортиқ минерал ўғит ишлаб чиқарган бўлса, 1970 йилда республикамиз 4,5 миллион тонна ўғит ишлаб чиқаради, — деди Аркадий Данилович. — Бу юксалишга янги қувватларни ишга солиш ва ҳаракатдаги ускуналардан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Беш йиллида Фарғона азот ўғитлари заводи қурилишини туғаллаш, Навоий ва Чирчиқ химия комбинатларида янги қувватларни ишга тушириш кўзда тутилган.

Беш йиллида бизда азотли ва фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришни республиканинг эҳтиёжларини таъминлабгина қолмай, қўшни республикаларга ҳам ана шундай ўғитлар етказиб берадиган даражада ривожлантириш кўзда тутилаётир. Натижада ўғитни мамлакатнинг марказий районларидан ташиб келтиришни камайтириш ҳисобига анча маблағ тежаб қолинади. Ҳозир мамлакатнинг марказий районларидан ўғит ташиб келтиришга 1 миллион сўмга яқин маблағ сарфланмоқда.

Беш йиллининг характерли хусусияти шундан иборат бўладики, республикамизда кучайтирилган, мураккаб ва аралаш ўғитлар ишлаб чиқариш кескин кўпайтирилади.

Бу соҳада етти йиллидаёқ дастлабки қадам қўйилган эди. Чирчиқ электрохимия комбинатида кучли азот ўғитлари — карбамид ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Аммиак селитра таркибида фақат 32 процентга яқин азот бўлса, карбамид таркибида 46 процент азот бор. Беш йиллининг биринчи йилидаёқ чирчиқликлар ишлаб чиқаришнинг лойиҳадаги қувватини ўзлаштирадилар.

Кучайтирилган фосфорли ўғитлар, яъни қўшалоқ суперфосфат ишлаб чиқариш учун Қўқон ва Самарқанддаги мавжуд заводларни реконструкция қилишга тўғри келади. Беш йиллида реконструкция ишларини авж олдириш кўзда тутилган.

Ҳозирги замон жаҳон ўғит саноати аралаш ўғитларни, яъни таркибида бир эмас, балки икки ёки уч хил озуқа моддаси бўлган ўғитларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлидан ривожланмоқда. Бундай ўғитлар фойдали ва қулайроқдир. Ўғитларни экинга солишдан олдин аралаштиришга ҳожат қолмайди. Бир ўғитда ҳосилдорлиннинг икки-уч хил элементларининг бўлиши баъзи агрономик аҳамиятга ҳам эгадир: бундай ўғитдаги озуқа моддаларини ўсимликлар тўлароқ ўзлаштиради. Ўзбекистонда ана шундай мураккаб ўғитлардан аммофос ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Аммофос таркибида икки асосий озуқа моддаси—азот ва фосфор бўлади. Директивалар лойиҳасида бундай ўғитни Олтинтопган кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқариш белгиланган.

Янги хил ўғитни ишлаб чиқариш учун металлургия жараёнлари давомида олинадиган таркибида олтингугурт бўлган чиқинди газлардан фойдаланилади. Бу газлардан мамлакатда энг арзон олтингугурт кислотаси олиш мумкин. Бу кислотанинг бир қисми ўғит ишлаб чиқаришга кетади. Олмаликда ишлаб чиқариладиган аммофос жуда арзон тушади.

Беш йиллиқда Ўзбекистон химия индустрияси ходимлари олдида ўғитлар хилини кўпайтириш билан бирга яна бир муҳим вазифа—ўғитлар сифатини яхшилаш вазифаси турибди. Аммиак селитрасининг ҳаммасини донадор қилиб, суперфосфатни эса аммонийлаштирилган ҳолда ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Келгуси йилларда республикамизнинг ўғит саноати техника тараққиёти йўлидан муҳим қадам қўйишига, далаларимизнинг ҳосилдорлигини ошириш ишига катта ҳисса қўшишига шубҳа йўқ. Ҳар тўп ғўзада илгари битта нўсан етишган бўлса, химия ёрдамида иккита ва ундан ҳам кўпроқ нўсан етиштириш мумкин бўлади.

ЭНЕРГЕТИКАМИЗНИНГ ЕТИЛГАН МАСАЛАЛАРИ

ҚУДРАТИМИЗ ОМИЛИ

Г. РАҲИМОВ,
Ўзбекистон энергетика саноати илмий техника жамиятининг раиси, техника фанлари доктори, профессор.

ГОЭЛРО планига мувофиқ бундан 40 йил муқаддам республикамизда Бўзсув гидроэлектростанциясининг ишга тушганлиги катта байрамга айланиб кетганлиги ҳали-ҳали эсимизда. Халқ бу «Гидрдаги сувнинг боғлангани» учун ашулалар ҳам тўқиган эди. Ўшандан буён мамлакатимизни, жумладан Ўзбекистонни электрлаштириш соҳасида шундай қўшиқларга арзийдиган жуда кўп ишлар қилинди. Улуғ Ленининнинг электрлаштириш ҳақидаги кўрсатмалари амалга оширилиб, Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистон кенг энергетика системаси билан қопланди.

Тоғ дарёлари, суғориш каналлари, кўмир, газ ва бошқа энергия ресурсларидан фойдаланиб, Ўзбекистонда жуда кўп электростанциялар қурилди. Шу муддат ичида Ўзбекистон энергетикаси турли погоналарни босиб ўтди. Бўзсувда, Чирчиқда, Сирдарёда қурилган гидростанциялар гидроэнергетикамизнинг фахрли пойдеворлари деб ҳисобланади. Бу даврда Тошкент, Фарғона, Қувасойда қурилган иссиқлик станциялари гидростанцияларга нисбатан энергетика балансида оз ўрин олар эди. Ўзбекистон энергетикасида муҳим бурилиш иссиқлик электростанциялари қуриш билан боғлиқ. Оҳангарон кўмир ҳавзасида кўп қувватли иссиқлик электр станцияси ишлай бошлади. Умуман бу энергетика мамлакатнинг қурилиши Оҳангарон водийсининг иқтисодий аҳамиятини оширди.

Ўзбекистондаги катта бойликлардан бири табиий газдир. Бу ҳол химия, энергетиканинг ўсиши учун катта дастур бўлди. Ҳозир табиий газда ишлайдиган иккита жуда йирик иссиқлик электростанциялари қурилмоқда — уларнинг бири Тошкентда, иккинчиси эса Навоийда. Ундаги агрегатлар ҳозирги замон энергетикасининг техникада қўйган сўнгги янги қадамларидан деб ҳисобланади.

Янги беш йилликда Тошкент ва Навоийдаги иссиқлик станцияларининг қурилиши туғалланади. Шунингдек, СССРдаги энг йирик станциялардан бири бўладиган Бекобод ГРЭСи қурила бошлайди ва унинг биринчи агрегати ишга туширилади.

Ўзбекистон шароитида энергетика ирригация билан чамбарчас боғланган. Сув электростанциялари қурилиши билан баравар суғориш ишлари ҳам ҳал бўлади ва аксинча, суғориш ишлари бажарилганда энергетика имкониятлари ҳам кўзда тутилади. Бунга мисол тариқасида ҳозир қурилаётган Чорвоқ сув ҳавзаси ва электростанциясини кўрсатиш кифоя. Директивалар лойиҳасига мувофиқ шу станция беш йиллик мобайнида қурилиб, ишга туширилиши мўлжалланади.

Ўзбекистонда Чорвоқ, Қирғизистонда Тўқтагул, Тожикистонда Норак станцияларининг беш йилликда ишга туширилиши Ўрта Осиё республикаларида сув энергиясидан фойдаланиш ишларига зўр аҳамият берилганлигининг самарасидир.

Бизнинг фикримизча, гидроэнергетикага берилган аҳамият сусаймаслиги керак. Яқин келажакда яна бошқа гидростанцияларни (хусусан Чирчиқ, Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида) лойиҳалаш тез суръатлар билан бажарилиши лозим.

Ўрта Осиё республикалари энергетикасининг келажаги бир-бирлари билан мустаҳкам боғланган. Ўзбекистон энергосистемаси ҳозир Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон энергия тармоқлари билан бириктирилган. Бу боғланиш шу беш йиллик ичида кенгайтирилиб, бирлашган Ўрта Осиё энергосистемаси барпо этилса маъқул иш бўлади. Кўзда тутилган планда шу иш аниқроқ кўрсатилса. Ўрта Осиё энергия хўжалигининг рационал иши учун пойдевор қўйилган бўлар эди.

Ўрта Осиё республикалари энергетикасининг иши ва истиқболи ҳақида иқтисодий ва илмий-техника кенгаши ўтказиш яқин келажакдаги вазифалардан бири бўлиши керак. Бунда республикалардаги план комиссиялари, Фанлар академиялари ва илмий-техника жамиятлари ташкилотчи бўлишлари лозим.

<>

Директивалар лойиҳасига мувофиқ шу беш йиллиқда қишлоқ хўжалик ишларини кенг суратда электрлаштириш кўзда тутилади. Бу вазифа марказлаштирилган энергия манбалари ҳисобига бажарилиши керак. Қишлоқ хўжалигини электрлаштиришда ҳали бизда кўп районлар орқада қолмоқда. Кичкина мисол: Хоразм областида «Коммунизм» колхози бор. Ундаги электрлаштириш ишлари колхознинг номига муносиб келмайди: ҳалигача мотор у ёқда турсин, электр лампаси ҳам ўрнатилмаган. Баъзи колхоз ва совхозларда электрлаштириши фақат электр чироғи ўрнатишдан иборат деб ҳисоблайдилар. Қишлоқ хўжалигида электрдан фойдаланиш кўп жойларда бошланғич ҳолатда ёки бутунлай йўқ деса ҳам бўлади. Ҳозир қишлоқ хўжалиги ишларида ишлатиш учун электр энергиясининг тарифи 1 тийинга туширилган. Бу катта стимулдир.

Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш пахтачиликни юксалтиришда энг муҳим омиллардан биридир. Бунинг учун сим, устун ва бошқа асбоб-ускуналардан ташқари махсус моторлар ва электрлашган қишлоқ хўжалиги машиналари керак. **Шунинг учун Ўзбекистонда электр моторлари ва автоматика тузилмалари ишлаб чиқарадиган йирик электротехника заводи қурилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.**

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини электрлаштиришда яна бир муҳим вазифа бор. У ҳам бўлса — насос хўжалиги. Қарши, Сурхон—Шеробод ва Мирзачўлни ободонлаштиришда, Қўқонда, Хоразм ва Қорақалпоғистонни сув билан таъмин этишда, тоғли жойларда боғлар ва экинзорлар яратишда насос хўжалигининг роли катта. Ўзбекистондаги ирригация машинасозлиги саноатининг бир тармоғи катта ва кичик электр насослар ишлаб чиқариши лозим. Насосларнинг турли хилларини ишлашда янги (хусусан синтетик) материаллардан фойдаланиш керак. Насос хўжалигини таъминлаш учун эса махсус корхона ташкил этиш зарур.

Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш билан бир қаторда Ўзбекистон ва Ўрта Осиё шароитида холодильниклар ишлаб чиқариш зарур бўлиб қолди. Директивалар лойиҳасида Ўзбекистонда рўзғор холодильниклари ишлаб чиқарадиган завод қуриш кўзда тутилган. **Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё халқ хўжалиги, хусусан қишлоқ хўжалигида биргина рўзғор холодильниклари эмас, балки турли вазифаларни бажарувчи, қишлоқ ва коммунал хўжалиги ҳамда савдо ташкилотларини таъмин этувчи совутиш ускуналари» чиқарадиган завод қуриш керак. Рўзғор холодильниклари заводи умуман рўзғор электр асбоблари ишлаб чиқарадиган корхона сифатида қурилса, уй-рўзғорни электрлаштириш учун катта имкониятлар туғилар эди, бу эса хотин-қизларнинг меҳнатини енгиллаштириш учун ҳам муҳим бўлар эди.**

Ўзбекистонни электрлаштиришда яна бир вазифа эсдан чиқарилмаслиги керак. У ҳам бўлса — транспортни электрлаштириш. Шу беш йиллик ичида жуда бўлмаса Тошкент ва Андижон яқинидаги темир йўл тармоқлари электрлашиши ва электровозлар қатнаши керак. Бу ҳақда Ўзбекистон темир йўл ташкилоти бошлиқларидан бири билан суҳбатлашганимизда ундан олган жавобимиз бизни ҳайратда қолдирди: ҳозир йўловчилар поездларда кўра автобусларда юришни қулай дер эмишлар. Шунинг учун темир йўлни электрлаш рентабел эмасмиш.

Агар темир йўлларни электрлаштириб, поездлар тез-тез жўнатиб турилса (хусусан Тошкент ва Андижон атрофидаги қишлоқлар масофаларда), аксинча, йўловчиларга қулайлик туғдирилган бўлади. Экономика жиҳатидан, техника жиҳатидан, маданият жиҳатидан ҳам электрлашган темир йўл қулайдир.

Ўзбекистон энергетикасининг катта ва кичик проблемалари орасида яна эскидан чўзилиб келаётган вазифа — қуёш нуридан фойдаланиш энергетикаси гелиотехника соҳаси бор. Совет Иттифоқидаги бир неча республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда, кўп вақтлардан бери илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда. Бизнинг Фанлар академиямиз қошидаги физика-техника институтида жиддий ишлар қилинмоқда, ҳатто «Гелиотехника» деган журнал ҳам чиқади. Аммо бу соҳа энди саноатга, ишлаб чиқаришга бевосита ёрдам бериш йўлига кўчирилмаса, йилдан йилга бутун иш фақат илмий асарлар яратишдангина иборат бўлиб қолмоқда. Гелиотехника асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган завод қуриш ҳозир сувдек ёки қуёш нуридек зарур бўлиб қолди.

Директивалар лойиҳасида кўзда тутилган муҳим вазифаларни бажариш малакали кадрларни талаб этади. Энергетика соҳасида ҳозир тайёрланаётган кадрларнинг сони талаб даражасида эмас. Политехника институтидаги энергетика ва инженер-физика факультетларини кенгайтириш, хусусан иссиқлик техникаси, электротехнология (инженер электрофизика) ва электроника соҳасида тайёрланадиган кадрларнинг сонини ошириш лозим. Энергетика ташкилотлари ва саноат корхоналари бир неча марта энергетика факультетига бино қуриб беришни таклиф этдилар. Аммо Ўзбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлиги энергетика ташкилотларининг бу таклифидан фойдаланишни пайсалга солиб келяпти.

Беш йиллик мобайнида совет халқи олдида улуғвор вазифалар турибди. СССРдаги барча республикалар қаторида Ўзбекистонда ҳам энергетиканинг ривожлантирилиши коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этишда мисли кўрилмаган натижалар беради.

ИСТИҚБОЛ КЎЗГУСИ

С. ЗИЕДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланининг раиси.

Фидокорона меҳнатимиз туфайли республикамиз халқ хўжалиги гуркираб ривожланмоқда. Ўтган йилнинг якунлари барчани қувонтиради. 1965 йилда саноат ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи 103 процент бажарилди. Пахтадан мисли кўрилмаган юқори ҳосил етиштирилди. Чорвачилик ҳам анчагина ривож топди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг тармоғи кенгайди. Натижада республикамизда истиқомат қилаётган кишиларнинг маданий турмуши яхшиланиб, фаровонлиги ортди.

Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг март ва сентябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун мардонавор меҳнат қилмоқдалар. Ерда ва космосда мисли кўрилмаган ютуқларга эришган совет халқи халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги босқичига қадам қўйди. Мамлакатимизда баҳодир янги беш йиллик бошланди. Яқиндагина матбуотда эълон қилинган СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган плани юзасидан КПСС XXIII съездининг директивалари лойиҳаси Ватанимизда амалга ошириладиган катта ишлар ҳақида ҳикоя қилади. У рақамлар ҳар бир кишида янги куч ва ғайрат уйғотмоқда. Турли касб эгалари халқ хўжалигини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш учун аҳд-паймон қилмоқдалар, улуғвор директивалар лойиҳаси ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

Янги беш йилликда Ўзбекистон халқ хўжалигини юксалтириш соҳасида қандай тадбирлар амалга оширилади? Республикамизда пахтачилик бундан буён ҳам асосий ўринни эгаллайверади. Шу билан бирга газ, химия ва енгил саноат, шунингдек машинасозлик ҳамда рангли металлургияни тараққий эттиришга катта эътибор берилади. Республика халқ хўжалигини ривожлантириш учун бундан аввалги беш йилдагига қараганда 2-2,2 баравар кўп капитал маблағ сарфланади.

Пахтачиликни яна ҳам юксалтириш ниятида Мирзачўлда, Сурхон — Шеробод водийсида ва Қарши чўлида янги йирик пахтачилик районлари барпо қилинади. Суғориладиган ерлар кенгайтирилади. Бу майдонларда механизациялашган пахтакор хўжаликлар ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи совхозлар ташкил этилади. Андижон, Чорвоқ, Жанубий Сурхон ва бошқа сув омборлари қуриб битказилади. Тахиатош гидроузели ҳамда Қарши машина каналининг биринчи навбати ишга тушади. Амударёда барпо қилинаётган Туямўйин гидроузели қурилиши авж олдирилади. Суғориладиган ерларда шўр ва зах босишини тугатиш, сув камчил системаларни сув билан таъминлашни яхшилаш ишлари тезлаштириб юборилади.

Ғўза парваришидаги ишларни механизациялаш асосан тугалланади. Беш йилликнинг охирига бориб етиштирилган пахтанинг ярмидан кўпи машиналар билан териб олинади. Суғориладиган ерларда деҳқончилик маданиятини яна ҳам ошириш тадбирлари кўрилади. Беда экиш кенгайтирилади. Алмашлаб экиш кенг жорий этилади. Суғориладиган деҳқончиликка минерал ўғитлар, ғўза зараркунандаларига қарши курашда қўлланиладиган химиявий воситалар етказиб бериш кўпайтирилади.

Амударёнинг қуйи қисмида — Қорақалпоғистон АССРда йирик шоликорлик базасини барпо қилиш соҳасида жуда катта тадбирлар амалга оширилади. Ўзбекистон пилла, қорақўл тери, канап толаси етказиб беришда олдинги ўринларни эгаллайди. Боғдорчилик ва узумчилик яна ҳам ривожлантирилади.

Беш йил мобайнида умумий саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми тахминан 1,6 баравар кўпаяди. Шу жумладан, химия маҳсулотлари тайёрлаш 3,4 баравар, рангли металлар тайёрлаш икки баравар, электр энергияси ҳосил қилиш 2,2 баравар ортади. Энергетикани ривожлантириш соҳасида жуда катта ишлар қилинади. 1 миллион 800 минг киловатт қувватли Тошкент ГРЭСи тўла фойдаланишга топширилади. Шунингдек Навоий, Тахиатош ГРЭСларида ҳамма қувватлар ишга солинади. Мамлакатимиздаги энг йирик энергетика корхоналаридан бири бўлиб қолажак Бекобод ГРЭСи қурилиши бошлаб юборилади. Янги нурхона табиий газ асосида ишлайди. 600 минг киловатт қувватли Чорвоқ ГЭСи ҳам ишга туширилади. Шу билан Ўзбекистон ягона энергетика системасини барпо қилиш соҳасидаги ишлар тугалланади. Юқори вольтли электр узатиш линиялари анча узайтирилади. Колхозлар ва совхозларни электрлаштириш асосан тугалланади. Шаҳар ва корхоналарни иссиқлик энергияси билан таъминлаш кенгаяди.

Беш йилликда газ саноати яна ҳам ривож топади. Газ қазиб олиш йилига 40 миллиард кубометрга етади. Ёки 1965 йилдагига қараганда қарийб 2,3 баравар ортади. Зангори оловнинг ёнилғи ишлаб чиқариш балансидаги салмоғи 1970 йилга бориб 86 процентдан ҳам ортиб кетади. Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари билан Ўзбекистонни боғлайдиган қудратли газопроводлар қурилади. Нефтни қайта ишлаш саноатида нефть маҳсулотларининг сифати яхшиланади. Синтетик ёғли кислоталар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Мавжуд табиий газ ва арзон электр энергияси ресурслари базасида химия саноатини ривожлантириш соҳасида жуда кўп ишлар қилинади. Беш йилликда Самарқандда органик синтез заводи, Оҳангарон шина ва резина буюмлари комбинати, Олмалиқ химия комбинати, Жиззахда полимер материаллардан кувурлар ишлаб чиқарувчи завод, Олмаликда маиший химия товарлари заводи ишга туширилади. Бухоро пластмасса буюмлари заводи, Ғузор химия комбинати қурилишлари бошлаб юборилади.

БЕШ ЙИЛЛИКДА

«СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съездининг директивалари» газеталарда эълон қилингач, биз, бепоён Қарши чўлининг истиқболларини, ҳам ёркин кўрдик. Директиваларда ишлаб чиқаришга моҳирона раҳбарлик қилмасдан, резерврларни қидириб топмасдан туриб, мўл маҳсулот етиштириш ҳақида гап-сўз бўлмаслигиг алоҳида таъкидланган. Қарши чўли эса алоҳида тилга олинган.

Шу беш йилликда Қарши чўлида жуда катта ишлар амалга оширилади. У чўл эмас, Ватанимиз гули, пахта, боғ-бўстонлар ўлкаси бўлиб қолади. Бизнинг наслчилик заводимиз ҳам Қарши чўлида жойлашган. Ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади кам маблағ ва меҳнат сарфлаб, кўпроқ маҳсулот етиштиришга қаратилган. Шунга кўра бизнинг Қарши чўлидаги «Нишон» қорақўлчилик заводимизда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапириб ўтмоқчимиз.

Наслчилик заводи Иттифоқимиздаги энг йирик хўжаликлардан биридир. Унинг территорияси 200 минг гектардан кўпроқ ерни ташкил этади. Ана шу яйловларда ҳозир 90 минг бошдан зиёдроқ қўй боқиляпти. 1965 йил кўрсаткичлари жуда қувонарли бўлди. Давлатга чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш топшириқлари тўла-тўкис адо этилди.

Барча чорвачилик фермалари ва отарлар қўйлар туғғини кўпайтириш ҳамда маҳсулдорлигини ошириш планларини бекаму-кўст бажардилар. Улар кейинги бир йил мобайнида қорақўл тери етиштиришни кескин кўпайтирдилар, сутни 22 процент, жун топширишни эса 19 процент ошкардилар. Бу ўринда машъал чўпонлардан Бозорбой Авазов, Холмамат Султонов, Бозор Шоҳимардонов, Полвон Маматқулов сингари чорвадорларнинг номини алоҳида тилга олиш керак. Уларнинг ҳар бири бултур 100 совлиқдан 140-156 тадан қўзи топширди.

Чорвачилик илғорларининг бу йилги режалари ҳам жуда катта. Чўпон-чўлиқларнинг ҳаммаси КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақага қўшилиб, ўз устларига конкрет мажбуриятлар олдилар. Юқорида номлари кўрсатилган бош чўпонлар ҳар юз совлиқ ҳисобига ўтган йилдагига нисбатан 10 тадан кўп қўзи олишга ваъда қилдилар. Айни вақтда, улар бир дона қорақўл терининг таннархини пландагига нисбатан уч сўм камайтиришга сўз бердилар. Машъал чўпонларимиз яйловлардан оқилона фойдаланиб, совлиқлардан кўплаб эгиз қўзи олиш, қорақўл терининг сифатли бўлишини таъминлаш ва шу йўл билан фермаларга кўпроқ фойда келтириш учун жонбозлик кўрсатишяпти.

Наслчилик заводимизда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш ишлаб чиқариш молия-планига мувофиқлаштириб олиб борилмоқда. Бунинг учун йиллик ишлаб чиқариш топшириқлари ва технологик карта тузилиб, совхоз ишчиларининг умумий мажлисида тасдиқлаб олинади. Ишлаб чиқариш планида кўзда тутилганидек, даромад топширилган маҳсулотнинг миқдори ва сифатига қараб тақсимланади. Бу эса чўпонларнинг меҳнатга бўлган муносабатини тамомила ўзгартириб юборди ва уларнинг моддий манфаатдорлигини янада оширди.

Пландан ташқари маҳсулот топширганлик учун алоҳида мукофотлар ажратилиши ҳам наслчилик заводимиз ишлаб чиқаришини ривожлантирмоқда. Б. Авазов, Х. Султонов, Б. Иброҳимов каби кўп маҳсулот топширган чўпонларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 300-310 сўмни ташкил этмоқда. Бундан ташқари бултур уларнинг ҳар бирига 30-40 тадан қўзи мукофотга берилди. Барча чорвачилик ферма ва бригадаларида ойига 120 сўмдан кам маош оладиган чўпон йўқ.

Шу кунларда яйловларимизда ижодий меҳнат қучаймоқда. Чўпонлар қўзилатиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўришяпти. Совлиқлар қўзилайдиган пунктлар ремонтдан чиқарилди, алоҳида бонитировкачилар ажратилди. Қўзи сўйиш марказлаштирилган ҳолда олиб борилади. Чорвадорларимиз ҳар юз бош совлиқдан ўтган йилдагига қараганда иккитадан кўп қўзи олишни мўлжалламоқдалар. Бу, наслчилик заводимизга неча минг сўмлаб фойда келтиради.

Келажакда чорва моллар туғғини янада кўпайтириш мақсадида ем-хашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берямиз. Перспектив план тузиб чиқдик. Яқин икки-уч йил ичида озуқабоп экин майдонларини 3500 гектарга кенгайтирамиз ва арпа ҳосилдорлигини 1965 йилдагига нисбатан 5,2 баравар кўпайтирамиз. 1970 йилга бориб ўзимизда 1575 тонна дон етиштирамиз. Шундай қилиб четдан озуқа сотиб олишга эҳтиёж қолмайди. Бу ўз навбатида маҳсулот етиштиришга кетадиган харажатларни анча камайтириш имкониятини беради.

Пахтаороллиқлар ташаббусини қизғин маъқуллаш билан бирга, кўпгина тадбирларни бажаришга киришяпмиз. Чунончи, яқин тўрт-беш йил ичида қорақўл қўйлар сонини 16 процент, қорамолларни икки баравар кўпайтирмоқчимиз. Буларнинг ҳаммаси хўжаликнинг иқтисодий томонидан тағин ҳам бақувват бўлишига катта имкон беради.

Чорвадорларга доимо ғамхўр бўлиш — кун тартибидаги энг муҳим масалалардан биридир. Шунинг учун ҳам 1970 йилга қадар иш ҳақи фондини икки баравар оширамиз. Ҳар бир чорвадорнинг реал иш ҳақи 45 процент кўпаяди. Бинобарин, ишчиларнинг турмуши тағин ҳам яхшиланади, фаровонлиги ошади.

Чорва моллар — бизнинг бебаҳо бойлигимиздир. Ҳар бир қўйни, қорамолни кўз қорачиғидек асраб, улардан олинадиган маҳсулотни тобора кўпайтириш тадбирларини изчиллик билан амалга оширамиз. Мамлакатимизда беш йиллик планнинг муддатидан илгари бажарилишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Эргаш ТУРАЕВ,
Қашқадарё областидаги «Нишон» наслчилик заводининг бош бухгалтери.

ПАРТИЯ АЙТГАНИ ХАЛҚ АЙТГАНИ...

Қ. РАҲМОНОВ,
Хоразм область, Хива район партия комитетининг биринчи секретари

Партия Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик плани юзасидан директивалар лойиҳасини маъқуллади. Янги беш йиллик план коммунизмнинг моддий-техника базасини, мамлакат иқтисодий ва мудофаа қувватини мустаҳкамлайди, совет кишилари турмуш маданиятини янада юксалтиради. Районимиз меҳнаткашлари директиваларни қизғин муҳокама қилиш билан чин юракдан маъқулламоқдалар.

Директиваларда белгиланган коммунистик қурилиш вазифаларини шараф билан бажариш учун зўр куч-ғайрат, мустаҳкам ирода, ақл-заковат талаб этилади. Партия ташкилотларининг жанговарлик қобилияти оширилиши, меҳнаткашлар оммаси улкан вазифаларни бажаришга тўла сафарбар этилиши керак. Шунда мақсадга тезроқ етилади. Партия ташкилотлари ўтган йилларда район олдида турган енгил ва хўжалик вазифаларини бажаришда бой тажриба тўпладилар. Фан-техника ютуқлари, ана шу тажриба, омманинг активлигига таяниб, янги беш йиллик план бўйича районимиз олдига қўйилган вазифалар ҳам муддатидан илгари бажарилади дея оламиз.

Сўнгги йилларда район партия ташкилотлари, коммунистлар ҳаётида рўй берган янгиликлар нималардан иборат? Партия ташкилотлари сон жиҳатдан ўсди, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Уларнинг таъсир доираси кенгайди, раҳбарлик роли кучайди. Партия раҳбарлигини оммага, ишлаб чиқаришга яқинлаштириш мақсадида 19 жойда янги бошланғич партия ташкилоти тузилди.

Коммунистларнинг ташаббускорлиги ошди. Улар партия ва ҳукуматимизнинг коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, совет халқи турмуш даражасини яхшилашга қаратилган тадбирларини амалга оширишда авангардлик ролини ўйнамоқдалар. Партия ташкилотлари оммани онгига кишилар самарали меҳнат қилганларида, моддий бойликлар ишлаб чиқаришни кўпайтирганларида, турмуш янада фаровон бўлиши ҳақидаги тушунчани сингдирди. Кишилар ўзи, она-Ватани, бутун жамият учун бойликлар яратади. Шундай экан, у виждонан меҳнат қилиши, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ маҳсулот тайёрлаши керак. Давр, замон шуни тақозо этади.

Район партия комитети хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида бошланғич партия ташкилотларининг роли ва таъсирини оширишга катта аҳамият беради. Чунки бошланғич ташкилот меҳнаткашлар оммасига яқин туради, омма орасида иш олиб боради, ютуқларни кенг ёяди, камчиликларни таҳлил этиб, тугатишга бошчилик қилади, такрорланишига йўл қўймаслик чораларини кўради. Партиявий-ташкилий ишлар намунали йўлга қўйилган жойларда хўжалик вазифалари муваффақиятли бажарилади.

Лекин раҳбарлик жуда нозик иш. Халқимизда «ишнинг ўзини билгандан кўзини билган яхши» деган мақол бор. Партия ташкилотлари ишнинг кўзини билишлари, меҳнаткашларнинг ақл-заковати, куч-ғайрати, билим-тажрибасини энг муҳим вазифаларни бажаришга тўғри сафарбар этишлари лозим. Фан-техника ютуқлари, прогрессив усуллар, илғорлар тажрибасини оммалаштириш йўли билан, арзон ва сифатли маҳсулот етиштириш, давлат планларининг ҳамма турлари бўйича тўла ва ошириб бажарилишини таъминлаш асосий масала бўлмоғи керак. У ёки бу масала бўйича тадбир белгиланаётганда резервлар, ички имкониятлар ҳисобга олиниши зарур. Бунда шошма-шошарлик, ўзибўларчиликка йўл қўйиб бўлмайди. КПСС XXIII съезди директиваларининг лойиҳасида ана шуларга эътибор бериш зарурлиги алоҳида ўқтирилган.

Партия ташкилотлари олиб борган партиявий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишлар ажойиб самаралар беряпти. Сўнгги йилларда янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига пахта майдони анча кенгайтирилди, ҳосилдорлик оширилди. Районимиз меҳнаткашлари ўтган йили давлатга 80 минг 583 тонна пахта топшириб, социалистик мажбуриятни шараф билан бажардилар. Бир йилда ялпи пахта миқдори 14 минг тонна кўпайди. Пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга топширилди. Район бўйича 30 центнердан кам ҳосил оладиган бирорта хўжалик қолмади.

Партия ўз солдати — коммунистларнинг активлиги, онглилиги, ташаббускорлиги, жанговарлиги билан кучлидир. Коммунист эса партиянинг солдати сифатида халқ, давлат манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиши, экономикани мустаҳкамлаш, меҳнат аҳли турмушини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатадиган янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишда байроқдор бўлиши керак. Маҳсулот етиштиришнинг тақдири ҳал қилинаётган участкада туриб меҳнатда ўрнак кўрсатиш, партиясизлар оммасини янги ғалабалар сари бошлаб бориш коммунистнинг жонажон ишидир.

Оҳунбобоев номли колхозга узоқ йиллардан буён коммунист ўртоқ С. Оллоберганов бошчилик қилиб келмоқда. Колхоз партия комитети (секретари ўртоқ С. Дурдиев) колхозчиларнинг куч-ғайратини пахтадан юқори ҳосил етиштиришга сафарбар эта олди. Натижада хўжалик ўтган йили гектаридан 40,5 центнердан хирмон кўтариб, ҳосилдорликда районда биринчи ўринни эгаллади. Фрунзе номли, Беруний номли, Ленин номли колхозлар (раислари Р. Мадаминов, С. Худойберганов, М. Нурёзов ўртоқлар, партия комитетларининг секретарлари Т. Қурёзов, Қ. Нурметов, А. Сафоев ўртоқлар) ҳам гектаридан 37-40 центнердан ҳосил олдилар. «Тошкент», «Москва», Киров номли, «Ленинград» колхозлари меҳнат аҳли эришган муваффақиятлар ҳам бундан кам эмас.

Бундай муваффақиятнинг «сири» шундаки, партиявий ишлар хўжалик ишлари билан боғлаб олиб борилди. Колхоз раҳбарларига мустақиллик берилди. Улар у ёки бу масалани ҳал этишда юқоридан кўргазма ёки фармойиш кутиб ўтирмайдилар, балки, барча соҳаларда халқ, давлат манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйган ҳолда коллегиал равишда ўзлари ҳал этадилар. Коммунистлар, партиясизлар, оммасининг таклиф ва мулоҳазаларига вақтида қулоқ солиняпти. Кишилар ўзлари кўтарган масала ижобий ҳал этилаётганини кўргач, активлиги ошяпти, яна янгиликлар яратишга интиляпти.

Биз кадрларни хўжалик экономикасини яхши билиш, тежамли иш тутишга чорлаяпмиз. Маҳсулот таннархини арзонлаштириш, дала ишларини механизациялаш, ёрдамчи материалларни тежаш йўли билан кўплаб маблағни иқтисод қилиб қолиш бутун жамоатчиликнинг жонажон ишига айланди. Олинган қўшимча фойда ва тежалган маблағ колхозчилар турмуш фаровонлигини яхшилашга сарфланмоқда. Сўнгги йилларда давлатга кўплаб биринчи сорт пахта сотилиши туфайли 4 миллион 500 минг сўм қўшимча даромад олинди. Пахтанинг ялпи миқдори кўпайтирилиши туфайли эса даромад 14 миллион сўмга ошди. Бундан хўжаликлар ва колхозчилар хонадонлари жуда катта манфаат кўрадилар.

Партиямизнинг XXIII съезди очиладиган кун яқинлашмоқда. Районимиз меҳнаткашлари бу кунни кўклам экин кампаниясига тайёргарлик ишларини тўла тугаллаш билан кутиб оладилар. КПСС XXIII съезди директивалари лойиҳасини чин юракдан маъқуллайдилар.

РЕЖАЛАРИМИЗ

Б. ОМОНОВ,
Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXIII съезднинг делегати.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди директивалари лойиҳасининг маъқулланганлиги ва умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинганлиги барча совет кишилари сингари биз деҳқонларни ҳам янги юксак марраларга илҳомлантириб юборди.

Янги беш йиллик план директивалари кишининг қалбига қувонч бағишлайди, эртаги кунга бўлган умидимизни оширади. КПСС XXIII съезди директивларида совет халқининг буюк истиқбол режалари белгилаб берилган. Беш йил давомида она-Ватанимиз куч-қудратининг нақадар гуркираб ўсишини кўз олдингизга бир келтириб кўринг-а!

Лойиҳада социалистик қишлоқ хўжалигини мисли кўрилмаган даражада тез ривожлантиришга жуда катта маблағлар ажратиш, коллектив хўжаликларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларни янги қудратли техника, минерал ўғитлар билан кўпроқ таъминлаш ҳақида баён этилган фикрлар бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшиб юборди.

Колхозимиз ўтган йили давлатга 13 минг 178 тонна «оқ олтин» сотди. Ҳар бир гектар майдондан 37,5 центнердан хирмон кўтардик. Ўртоқ Абдусаттор Рўзиқулов бошлиқ беш кишидан иборат комплекс механизациялашган тюпкочи звено аъзолари техникага таяниб 40 гектар майдонда қўл меҳнатисиз пахта етиштирдилар.

Улар ҳар гектаридан 36 центнердан зиёд ҳосил олишиб, киши бошига ўрта ҳисобда 23,6 тоннадан «оқ олтин» сотдилар. Звено аъзоларининг бир ойлик ўртача иш ҳақи 160 сўмга, звено бошлиғиники эса 240 сўмга тўғри келди. Бир центнер пахтанинг таннархи 9 сўм 60 тийинни ташкил этди. Янги беш йилликнинг дастлабки йилида биз ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш, бунинг учун комплекс механизациялашган бригадалар ва тюпкочи звеноларнинг сонини кўпайтириш, пахтанинг таннархини янада арзонлаштириш мажбуриятини олдик.

Колхозимиз давлатга бошқа қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш планларини ҳам муваффақият билан ошириб бажарди. Натижада катта даромад олдик. 1964 йилга таққослаганда ўтган йили 900 минг сўм кўп даромад олдик. Фақат колхозчиларнинг иш ҳақларига тўлаш учун 3,3 миллион сўм ажратдик.

Бадавлат лигимиз турмуш маданиятимизни кўтаришда муҳим омил бўляпти. 1964 йилда қурилиш ишларига 460 минг сўм ҳаражат қилган эдик. Бу йил эса шу мақсадлар учун 1 миллион сўм маблағ ажратдик. Биз янги беш йиллик мобайнида хутор системасидан батамом воз кечиш, барча қулайликларга эга бўлган шаҳар типидаги посёлкалар қуриш ишини тугаллашга қарор бердик. Бу вазифани муваффақиятли бажаришда съезд директиваларидаги бизга тўлиқ имконият беради.

Жиззах районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, кекса ва тажрибали деҳқон Ҳамроқул Носиров раислик қилаётган машъал «Москва» колхозининг шухрати бутун республикага маълум. Бу ерда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан йил сайин мўл ва арзон ҳосил етиштириб келинмоқда. Бунга барча дала ишларини, айниқса кўклам экиш кампаниясини агротехника муддатларига қатъий риоя қилган ҳолда ўз вақтида ўтказиш туфайли эришилмоқда. Колхозда ҳозир кўклам дала ишларига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Суғориш шохобчалари тозаланиб, тахт қилиб қўйилди. Техника ремонти тугалланиш арафасида. Суратда: колхоз устахонасида ремонт пайти. Илғор ремонтчилардан Ибодулла Қобилов ва Маматқул Ориф-жонов ўртоқлар иш устида.

А. ТУРАЕВ фотоси.

МЕХАНИЗАЦИЯГА КЕНГ ЙЎЛ

В. ТЮПКО СУРХОНДАРЕДА

САРИОСИЁ («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Райондаги «Коммунизм» колхозида ўтказилган пахтакорларнинг уч кунлик семинарида донгдор механизатор Валентин Тюпко ҳам қатнашди. Семинар қатнашчилари қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик мутахассисларининг, моҳир механизаторларнинг «Пахта етиштиришни кўпайтириш ва қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини янада ошириш», «Меҳнатга табелсиз ва нарядсиз ҳақ тўлаш системаси» ва бошқа темалардаги докладларини тингладилар.

Семинар иштирокчилари амалий машғулотларни Валентин Тюпконинг Сариосиёдаги шогирди, «Коммунизм» колхозининг ўртоқ Абдусаттор Рўзиқулов бошлиқ комплекс механизациялашган звеноси далаларида ўтказдилар.

Семинар иштирокчилари «Узсельхозтехника» район бўлими устахонасида ва айрим хўжаликларда бўлиб, комплекс механизациялашган бригада, звенолар, моҳир механизаторларнинг иш тажрибалари билан танишдилар.

Ўртоқ В. Тюпко Сариосиёда бир неча кун бўлиб, шогирдларига ўз тажрибаларини ўргатди.

А. ХАЛИЛОВ.

Химия саноатининг структураси тубдан ўзгаради. Республикамизда биринчи марта мураккаб минерал ўғитлар (аммофос), синтетик нитрон толалар, сирка кислотаси, ацетат ипак, полимер материалларден ирригация мақсадлари учун қувурлар ва бошқа материаллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Рангли металлургияни ривожлантириш истиқболлари яна ҳам порлоқ. Мис рудалари қазиб чиқариш икки баравар, мис эритиш уч баравар кўпаяди. Вольфрам, молибден ва бошқа нодир металлар ишлаб чиқариш анча кўпаяди. Қора металлургия корхоналари ҳам кенгайтирилади.

Ер ости сувларидан фойдаланиш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинади. Уларден экинзорларни суғориш, аҳоли яшайдиган пунктларни таъминлаш, республиканинг яйловларига сув етказиб бериш учун фойдаланилади.

Машинасозлик саноати истиқболлари ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, қишлоқ хўжалиги машинасозлигига эътиборни кўпроқ жалб қилиш лозим бўлади. Машинасозликнинг бу тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш бир ярим баравардан ҳам кўпроқ ортади. Пахтачиликни бунден буён ҳам комплекс механизациялаш учун қатъий кураш олиб борилади. Шу мақсадда республикада янги йирик қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи тикланади. Шунингдек, пахта тозалаш, луб, ипак саноати учун приборлар етказиб берувчи завод қурилади. Андижон шаҳрида барпо қилинаётган ирригация машинасозлиги заводи қурилиши тугалланади. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш беш баравар ортади. Тошкентдаги трактор-ўғғув заводи реконструкция қилинади. Корхонада пахтачиликка мослаштирилган гилдиракли тракторлар тайёрлаш ташкил қилинади. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш учун ихтисослаштирилган машиналар ишлаб чиқарувчи корхона барпо этилади. Наманган шаҳрида йирик химия машинасозлиги заводи тикланади.

Электротехника саноати ривожида катта қадам қўйилади. Чирчиқ шаҳридаги йирик трансформатор заводи қурилиши тугалланади. Оҳангарондаги бой каолин кони базасида юқори вольтли электротехника чинни бўюмлари тайёрловчи завод фойдаланишга топширилади. Қурилиш материаллари саноати соҳасидаги қолоқликка барҳам берилади. Ҳозирги вақтда қишлоқ жойларда деворбоп материалларга катта эҳтиёж сезилмоқда. Шунинг учун деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни тахминан 1,8 баравар кўпайтириш мўлжалланмоқда. Цемент ишлаб чиқариш 1,6 баравар ортади. Навоий шаҳрида йилига 1 миллион 200 минг тонна «қурилиш нони» тайёрлай оладиган цемент заводи фойдаланишга топширилади. Пластмасса буюмлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади. Санитария-техника, керамика ва теплоизоляция материаллари ҳамда буюмлари тайёрлаш кўпайтирилади.

Енгил саноат айниқса тез суръатлар билан юксалади. Трикотаж ва тўқилмайдиган материаллар ишлаб чиқариш кенгаяди. Наманганда штапель толалардан ипак газламалар тайёрлаш комбинати ишга туширилади. Андижонда барпо қилинаётган трикотаж фабрикаси ҳам фойдаланишга топширилади. Шунингдек, иккита йирик ип газлама комбинати, бир қатор трикотаж, тикув, пойафзал ва бошқа корхоналар қуриб битказилади. Енгил саноат учун капитал маблағ сарфлаш бунден аввалги беш йилдагига қараганда уч баравардан ҳам кўпроқ ортади.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш борасида ҳам жуда кўп ишлар қилинади. Озиқ-овқат саноати корхоналари кенгайтирилади, уларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг илғор усуллари жорий этилади. Кенг истеъмол товарларининг хиллари кўпаяди. Ишлаб чиқариш ёғ-экстрация заводи қурилади, Тошкентда озиқ-овқат корхоналарининг бир бутун комплекси вужудга келтирилади. Бундан ташқари яна анчагина озиқ-овқат корхоналари қурилади.

Транспорт тармоқларини кенгайтириш, умуман бу соҳани ривожлантиришга қаратилган кўпгина тадбирлар амалга оширилади. Қўнғирот—Макат—Александров Гай темир йўл линиялари қурилади. Бундан ташқари 5000 километр узунликда автомобиль йўллари қурилиши ҳамда реконструкция қилинади. Автомобиль транспортида юк оборoти икки баравардан ҳам ортади. Турбопровод транспортидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилади. Хаво транспорти, айниқса қишлоқ хўжалиги авиацияси тез суръатлар билан ривожлантирилади.

Республикада алоқа хизмати кўрсатиш ишларини яна ҳам яхшилаш мақсадида автоматика кенг жорий этилади. Урта Осиё ва мамлакат марказ билан телевизион алоқалар кенг йўлга қўйилади. Аҳолининг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган жуда кўп тадбирлар кўрилади. Уй-жой бинолари қурилиши учун сарфланадиган давлат маблағи икки баравар ортади. Шаҳар, шаҳар типидаги посёлкалар ва кўпгина район марказлари марказлаштирилган тартибда сув билан таъминланадиган бўлади. Аҳоли яшайдиган пунктларнинг санитария ҳолати тубдан яхшиланади.

Чакана товар оборотини бир ярим баравардан ҳам ошириш мўлжалланмоқда. Бунга савдо корхоналари тармоқларини тағин ҳам кенгайтириш йўли билан эришилади. Анчагина холодильник хўжаликлари, турли маҳсулотлар сақланадиган улкан омборлар қурилади. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш учун катта тадбирлар амалга оширилади. Даволаш-профилактика муассасалари, санаторий ва дам олиш уйлари, туристик соғломлаштириш муассасаларининг тармоқлари кенгайтирилади. Соғлиқни сақлашга қаратилган янги тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтган беш йилдагига нисбатан маблағ сарфлаш 2-2,5 баравар кўпаяди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш 3,7 баравар ортади. Шу жумладан қишлоқ жойларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажмини 5 баравар кўпайтириш назарда тутилмоқда. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва устахоналари тармоқлари айниқса қишлоқ жойларда кўпайтирилади. Шу мақсадлар учун ўтган беш йилдагига қараганда 3 баравардан ҳам кўпроқ капитал маблағ сарфланади. Маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг илғор усуллари жорий этилади. Шунингдек, чинни буюмлар ва телевизорлар ишлаб чиқарувчи йирик заводлар қурилади.

Халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги муваффақиятларимизнинг салмоғи кадрларга боғлиқ. Шунинг учун малакали, билимдон ва экономикани чуқур билган кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берилади. Халқ маорифи соҳасида кечки ва сиртқи ўқув юртларининг тармоғи кенгайтирилади. Махсус ўрта ва олий маълумотли кадрлар тайёрлашни кенг йўлга қўйиш учун анчагина ишлар қилинади. Экономистлар тайёрлайдиган ўқув юртлари тармоғи кенгайтирилади.

Улуғвор беш йилликнинг улкан вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун умумхалқ мусобақаси кенг қулоч ёймоқда. Беш йиллик вазифаларининг кўнгилдагидек адо этилиши коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш соҳасида қўйилган янги катта одим бўлади.

МЎЛ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районидаги «Коммунизм» колхозининг Олимбой Қозоқов раҳбарлик қилаётган бригада пахтакорлари ўтган йили 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41,5 центнердан «оқ олтин» етиштирган эдилар. Бригада коллективи янги беш йиллиннинг дастлабки йилида ҳам илғорликни қўлдан бермасдик учун курашяпти. Бу йил ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил кўтариш учун далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, экин майдонларига яхоб бериш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Кўклам экин кампаниясига тайёргарлик ишларини КПСС-нинг XXIII съезди очиладиган кунгача тугаллаш учун бошланган социалистик мусобақада айниқса Сафаргул Абдуллаева, Реймажон Жуманиёзова, Пошша Собирова сингари колхозчилар намуна кўрсатмоқдалар. Улар ерларни текислаш, чел олиш ва далага маҳаллий ўғ чиқаришда кунлик нормалар сурункасига ошириб бажа тилар.

П. РЎЗИМ

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ЯНГИ СОВЕТ БЕШ ЙИЛЛИГИНИНГ УЛУҒВОР ИСТИҚБОЛЛАРИ

СОФИЯ, 22 февраль. (ТАСС). КПСС XXIII съездининг янги беш йиллик план юзасидан Директивалари лойиҳаси ҳамон Болгария матбуотининг диққат марказида турибди.

Совет тараққиёти — замонамизнинг ҳақиқий мўъжизасидир, деб ёзади «Отечествен фронт» газетаси. Ҳозир дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам Совет Иттифоқининг янги марралар сари йўл олгани, баҳодир халқнинг илҳомбахш шижоати тўғрисида гапирмоқдалар.

Совет ўрнаги, советлар қудрати, деб давом этади газета, тараққиётимизга жуда кучли ижодий мадад бермоқда. Фақат турли формада ҳар томонлама кўрсатилаётган совет ёрдами туфайлигина кичкинагина Болгария мамлакати илмий-техника революцияси йўлидан муваффақиятли олга бориши мумкин. Янги беш йиллик мамлакатимизнинг ривожланишига бевосита самарали таъсир кўрсатади. Совет экономикасини янада юксалтириш ва совет халқи фаровонлигини тағин ҳам ошириш, совет демократиясини ривожлантириш плани, — деб ёзади «Земеделско знаме» газетаси, — буларнинг ҳаммаси совет давлатининг халқаро майдондаги нуфузи ва обрўсини кучайтиришга қолмай, шу билан бирга социализм ғояларининг жозиба кучини оширади ҳам. Директивалар лойиҳасига КПССнинг ва бутун совет халқининг пролетар интернационализми принципларига содиқлигининг яна бир исботи деб баҳо бермоқ керак.

КПССнинг XXIII съезди, деб таъкидлайди газета, янги эрани — коммунизм эрасини барқарор қилган жуда катта воқеа сифатида тарихга киради.

УЛАН-БАТОР, 22 февраль. (ТАСС). «Унэн» газетаси бугун КПСС Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисидаги ахборотни ҳамда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди директивалари лойиҳасининг муфассал баёнини кўзга кўринадиган ўринда босиб чиқарди. Монголия меҳнаткашлари, деб ёзади «Унэн» газетаси, янги совет беш йиллигини қизғин маъқуллайдилар. Бу беш йиллик ҳозирги замоннинг барча революцион кучларини янада мустаҳкамлашда, халқаро майдондаги сиёсий кучларни социализм фойдасига ўзгартиришда, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

ПРАГА, 22 февраль. (ТАСС). Чехословакиянинг «Руде право» газетаси СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги беш йиллик плани юзасидан КПСС навбатдаги съезди директивалари лойиҳасини шарҳлаб, бугун бу ҳужжатга «ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деган принцип асос қилиб олинган, деб таъкидлади.

Янги беш йиллик, деб ёзади «Руде право» газетаси, КПСС Программасининг бош перспективасига — СССРда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш вазифасига мос бўлиб тушади. Янги беш йиллиннинг асосий иқтисодий вазифалари шу программага хизмат қилади.

Газета шуни қайд қиладики, халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш масалаларининг илмий асосда чуқур анализ қилинганлиги, уларга илмий, реалистик ёндошиш директивалар лойиҳасининг характерли белгисидир.

● ● ● ●



Социалистик мамлакатлар Яман Араб республикасига мадад кўрсатмоқдалар. Қизил денгиз соҳилида, Ходейда шаҳри яқинида катта порт қуришда Яманга Совет Иттифоқи ёрдамлашди. Бу ерда 300 дан ортиқ совет мутахассислари ишлади. Ҳозир портнинг юк оборoти 300 минг тоннага етди. Суратда: Совет Иттифоқи ёрдамида қурилган порт.

В. Мусаэлъян фотоси (ТАСС фотохроникаси).

КОСМОС ВА ПЕНТАГОН

Фан ва техниканинг тараққиёти космосни ўзлаштириш учун янги-янги имкониятлар очиб бермоқда. «Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилиши коинотни билишда янги давр очди. Йўлдошларда ва олис масофаларга учирилган космик ракеталарда ўтказилган илмий ўлчашлар Ер атрофидаги фазо тўғрисида, космоснинг ердан ниҳоят даражада узоқлашган жойларида рўй бераётган жараёнлар тўғрисида кўпгина янги муҳим маълумотларни қўлга киритишимизга ёрдам берди. Йўлдош кемада одам биринчи марта учиши билан биз космик учишлар даврига қадам қўйдик. Бундан кейинги муҳим босқич планеталаро учишлар ўтказишдан иборат бўлади». СССР Фанлар Академиясининг президенти академик Мстислав Келдиш «Луна-9» совет автоматик станциясининг Ойга оҳиста қўндирилганлиги ва Ой сатҳи тасвирининг Ерга юборилганлигига бағишланган матбуот конференциясида фаннинг космосни ўзлаштириш соҳасида эришган ютуқларига ана шундай баҳо берган эди.

Маълумки, бу жуда улкан ишда совет фанининг, совет халқининг роли каттадир. Сўнгги вақтда Америка космос тадқиқотчилари ҳам жиддий ютуқларга эришдилар. Совет халқи американликларни «Жеминай-6» ва «Жеминай-7» учирилганлиги ва парвозининг муваффақиятли тугалланганлиги билан табриклади.

Буларнинг ҳаммаси дилларга қувонч бахш этади. Инсоният коинотни ўзлаштириш ҳарбий характерда бўлмаслигини, унга зарар етказилмаслигини кутмоқда. Лекин ташвиш тўғдирувчи сабаблар ҳам етиб ортарлидир.

Францияда чиқадиган «Франс-суар» газетаси америка космонавтлари Купер ва Конраднинг космик парвози программаси билан танишиб чиққач, бу парвоз «фақат илмий мақсадлар учунгина» қилинмаганлигини ёзди. Чиндан ҳам космонавтлар денгиз ва океанлардаги кемаларни диққат билан кузатиб турдилар, «Минитмен» ҳарбий ракетасининг учирилишини икки марта кинога олдилар, йўллар ва қурилишларни суратга олишга уриндилар.

АҚШ космосни ўзлаштиришда асосий эътиборни космик воситалар ҳамда космик фазодан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга қаратаётганлигини жаҳон матбуоти кўп марта таъкидлади. АҚШ биринчи йўлдошни учирмасдан туриб ҳеч вужудга келган, бу планлар эндиликда амалга оширилмоқда.

Ўтган йилнинг августида президент Жонсон мудофаа министрига «бошқариладиган орбиталь лаборатория устида ишлашга даҳ ҳ ҳ